

МУЛОҚОТ ОҚШОМИ

СОБИР РАҲИМОВ НОҲИЯСИДАГИ «ОЙБЕК» МАҲАЛЛАСИДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ГАЗЕТХОНЛАР ВИБАН УЧРАШУВИ — «МУЛОҚОТ ОҚШОМИ» БЎЛИБ ЎТДИ.

ДАВРА суҳбати бошлангунга қадар маҳалла фаоллари билан гурунлашдик. Улар кейинги йиллар ичида бу ерда янгица анъаналарни турмушга тадбиқ этиш, ёш оилалар ҳаёти, оқибат, болаларга ғамхўрлик, навроз, истиқомат жойларини ободонлаштириш билан боғлиқ мавзуларда бир қатор сермазмун тадбирлар ўтказилганлиги ҳақида гапириб беришди. Аҳоли ташаббусига мувофиқ яратилган боғ, ҳашар йўли билан қурилган клуб маҳалла аҳлининг тадбирлар уюштирадиган масканига айланган. Уларнинг ҳикоя қилишларича, одамлар ҳар қандай йиғиндан бйрон-бйр таассурот билан қайтадилар. Ўзларини маънавий жиҳатдан озми-кўпми бойлаганликларини ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам турли мулоқотларга қизиқиш билан келадиган бўлиб қолишган. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Оқшомни этнограф олим Билол Аминов очар экан, маҳалла комитетининг раиси Убайдулла Пулатовга сўз берди. У журналистлар билан учрашув биринчи бор ўтаётганлиги, даврада ўтирган турли касб агалари, бугун газета ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришига ҳозир эканликларини маълум қилди. Шундан сўнг жонли мулоқот бошланиб кетди.

Давра иштирокчилари Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Ойдин Ҳожиева, сўзини, шеърларини диққат ва эътибор билан тингладилар.

— Мен газетанинг бир мухлисман, — дея сўз бошлади у. — «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида хотин-қизлар ҳаётига онд ёритилаётган турли материалларни ўқиганимда, «Дугонажонлар» саҳифасида қилшқ аёллари турмушига доир кўтарилаётган муаммолар билан танишганимда газета кишилар дарди, ҳасрати билан яшаётганлигидан севинаям. Аммо газетада юрагимизни тираб турган ачагина муҳим мавзуларга кам эътибор берилмоқда. Хусусан, Афғонистонда мангудикиа бош қўйган ёки у ерда мажруҳ бўлиб қайтган йигитларнинг жасорати, уларга жойларда бўлган муносабат ҳақида онда-сондагина ўқиб қоламиз. Мен «Тошкент ҳақиқати»да оналик ва болаликни муҳофаза этиш, кам таъминланган оилаларда ҳаёт тарзи, ёшлар тарбиясига онд салмоқли, таъсирчан мақолалар ўқиб истагиди эдим.

«Ойбек» маҳалласида истиқомат қилувчилар орасида жумҳуриятимиз илм-фанининг равнақида катта ҳисса қўшиб келаётган, айна пайтда жамоат ишларида фаол иштирок этаётган кишилар ҳам ачагина. Улардан бири география фанлари доктори, профессор Зиёвуддин Акромовдир. У газета фаолияти ҳақида гапирар экан, редакция ходимларига аниқ тақлифлар билан мурожаат этди:

— Аввало, бугунги мулоқотга йиғилганларни, — деди у, — Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим воқеа — ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан қутлайман. Шу муносабат билан журналистларга айтадиган ачагина гапларим бор. «Тошкент ҳақиқати» ҳам «Ёш ленинчи» газетасидек давлат тили қонуни лойиҳаси муҳокамасида анча дадил мақолалар билан қандай. Энди ана шу йўналишни бўшаширмаслик керак. Қабул қилинган қонуннинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини изчил ёритиш лозим. Экология муаммоларига жиддийроқ эътибор берилса яхши бўларди. Совет корхоналарининг аксарияти атроф муҳитни булғатиб ётибди. Газетада бу борада умумий гаплар бўлади-у, аҳволини батафсил таҳлил қилиб берадиган жиддий мақолалар кўринмайди. Тошкент вилоятининг Чирчиқдан унчалик узоқ бўлмаган хилватроқ жойида нури инсонни ҳалок қиладиган чиқиндилар гўрстиони мавжуд. Бу ерда иккинчи Черно-

билб бўлмаслиги учун журналистлар бонг урсин демоқчиман.

Яна бир фикрим — газетада расмий материаллар, ҳужаликларни тўқ, фаровон қилиб кўрсатувчи мақолалар кўп. Бу руҳ ўзариши лозим. Ана шундайлар ўрнига иқтисодимизнинг танглигини очиқ-ойдин кўрсатиб берувчи, айрим ношуд раҳбарларнинг хатоларини дадил очиб ташлайдиган материаллар кенг ўрни олиши керак. Шу муносабат билан редакция қoшида сиёсий-ижтимоий ҳаётни ўрганувчи гуруҳ ташкил қилинса, жойлардаги воқеалар, турмуш тарзини холис баён этадиган мақолалар кўпайса, деган истагим ҳам йўқ эмас.

Оқшом иштирокчилари олим Фатхулла Зикриллаев сўзларини ҳам алоҳида диққат билан тингладилар.

— Маҳалла ўзинга яраша давлат, — деди у, — жамиятга фойдали инсонлар ҳам, одамларга зиён етказадиган баъзи кўрнамаклар ҳам маҳалладан чиқади. Қолаверса, мактабга, олий ўқув юртига, ҳар қандай иш жойларига инсонни маҳалла етказиб беради. Ўғил уйлантирсак, қиз узатсак ҳам уларнинг қимлигини маҳалладан суриштирамиз. Шундай экан, газетада маҳаллалар ҳаёти етакчи ўрнини эгаллаши зарур.

Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг кўчалар тарихи ҳақида маълумот бера бошлаганлигини табриқлаш билан биргаликда номлари абадийлаштирилган Форобий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Нозимахонини ва бошқа алломаларининг қимлиги, қачон яшаб ўтганлиги ҳақида батафсилроқ маълумотлар бериб боришимни ҳам тақлиф қилмоқчиман. Биз ўтмиш тарихимизни яхши билайлик. Маҳаллалар ҳақида ёзганда Қўшут, Ҳасимов сингари қадимий истиқомат жойларини унутиб қолдирмайлик. Ҳали бу маҳаллаларда хонадонларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммолари кўпчиликини қийнаб келяпти.

Маълумки, ўзбек маданияти ўта қадимий ва бой. Унинг улугворлиги, аждодлар қолдирган маънавий хазинанинг беҳисоблиги, ўзбекларнинг ажойиб ўрф-одатлари, фазилатлари ҳақида кейинги авлодлар тўлиқ тасаввурга эга деб бўлмайди. Биз ана шу дурдоналарни авайлаб-асрашимиз, ундан бугунги ёшларни хабардор этишимиз, ўз ўтмишимизни эъозлашимиз керак. Санъатшунос олим Баҳриддин Насриддинов ана шулар ҳақида гапирар экан, ўз мулоҳазаларини кўпроқ маҳаллаларда боёларидан қолган удумлارни сақлаб қолишга даъват этди.

— Хизмат юзасидан ҳоринжий мамлакатларда кўп бўлганман, — деди у. — Шунда заминни модардан узилган ватандошлар «Маҳаллаларда ҳали ҳам катта дошқовонда ош берилганим, Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Усмон Носир, Қодирийлар ижодиётга муносабат қандай? Бениклар устида ҳамон она алласи янграйдими», деб сўрашди. «Нега ҳазрати Навоий, Абдулла Қодирий ва қатор фозилларни воьга етказган бешик энди «боланинг боши япаси бўлиб қолгилти» деган таъналар билан инкор этилгилти», деб мени сўроққа туттиди. Уларга ўрф-одатларимиз сақланиб қолаётганлигини, ҳамон бешикда болалар катта бўлаётганлигини айтдим. Аммо ўзим хаёлга толдим. Нима учун, дарҳақиқат, удумларимизга лоқайд бўлиб қоляимиз, нима учун алломаларимизни юксакларга кўтариб кўрсатиб беролмаймиз, деб ич-ичимдан ачиндим. Биз санъати билан элни сеҳрлаган Бобораҳим хотирасига, «Тошкент ироғи»ни яратиб, дилларни сел қилган Мискинга ҳайкал ўрнатсак бўлмасмиди? Нима учун жаҳон айвонига кўкрак кериб чиққан Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино ҳайкаллари шаҳарнинг кўринмас жойларида мунгайиб,

хомуш туриши керак, нега уларда биз Пушкин, Гоголь, Горькийлар ҳайкалидаги пурвиқорликни, улкан салобатни, миллий ифтихорни ифода этмаганмиз. Нима учун Тошкентдек азим шаҳарда даҳалар номини мазмунсиз, маъносиз Ц—1, Ц—2, Ц—17, Ц—26 каби номлар билан атаймизу, лекин шу жойларга ўзбек алломалари, мутафаккирлари номини бермаймиз. Нега биз қатагон (депрессия) вақтида отилган, беғуноҳ юртдошларимиз қони тўкилган «лавсти кўприк» тарихи ҳақида кенгроқ маълумот бермаймиз? Менимча, бу дардлар газета учун катта бир мавзудир.

«Тошкент ҳақиқати»нинг кейинги йилларда классик ёзувчилар, шоирлар ҳақида ўқимчишли мақолалар бера бошлаганини инкор этмаганим, ҳолда ана шу муаммоларга эътибор беришимни жуда-жуда истардим.

Б. Насриддинов ўз сўзида газета ходимлари диққатини яна бир неча муҳим масалаларга қаратди. У маҳаллаларда гўрковлар, рассоллар, тўй-маъракаларда хизмат қилувчи дастурхончи ва чайхоначилар бўлиши ҳақида газета таъшилотчилиги ишини олиб бурса яхши бўларди, деган фикрни ўртага ташлади.

— Бир вақтлар, — дея сўзида давом этди у, — дастурхончилар тўйимизнинг гули, маъракамизнинг билимдон ижрочилари эдилар, энди уларни топиб бўлмайпти. Маҳаллалар ҳақида ёзганда бу истаklarимизнинг иноватга оляинишини хоҳлардим.

Кечада номи жумҳуриятимизга таниқли пазада, истеъдодли қалам соҳиб, файласуф олим Карим Маҳмудов ҳам газета учун аниқ тақлифлар айтди.

— Тушунишимга қараганда редакция ижодий коллективни газетхонлар билан маслаҳатга келганга ўхшайди, — деди у. — Мен айтмоқчи бўлган биринчи фикр: тил устида ишлаш керак. Жуда кўп мақолаларда тилимиз софлигига пугур етмоқда, сўзлар аралаш. Тилимиз йўқолиб кетса, халқ ҳам йўқолади. Халқ йўқолса ўрф-одатлардан ном-нишон қолмайди. Яна бир истагим газетада шундай ижодий ходимларни тўплаш керакки, муаллифларнинг мақолаларига ўша соҳани билмасдан туриб қалам тегизмасин.

Менимча, ҳозир газета олдида бешта муҳим вазифа турибди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, уй-жой муаммосини ҳал этиш, экология, соғлиқни сақлаш, бюрократизмга қарши кураш.


«Тошкент ҳақиқати» ўзбекининг ўзбекилигини кўтаришини ҳам жуда хоҳлардим. Миллатчилик бошқа, миллий ифтихор бошқа. Уйлайманки, бу ерда кўпчилик ўртоқлар билдирган фикрлар ерда қолиб кетмайди.

Шу кунги учрашувда Абдулла Қодирийнинг набираси Шерқон Қодирий, Ўзбекистон телевиденеси «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» туркум эшиттиришининг муаллифи Дадахон Ёкубов ҳам газета юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Газетхонлар изҳор этган барча тақлиф ва истаklar ўринли, редакция коллективи уларни ўз ишида албатта инобатга олади. Биз бундай мароқли суҳбатни уюштиргани учун Ойбек маҳалла комитетидан ҳам миннатдоримиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, мулоқот оқшоми фақат баҳс, мунозаралардангина иборат бўлиб қолмади. Кенани фазил ўтказишда республика радиосининг санъаткорлари, Тошкент ноҳияси маданият уйининг бадий ҳаваскорлари, авиасозлар маданият саройининг хонадалари, Ойбек маҳалласининг Шавкатжон Умаров бошчилигидаги ҳаваскорлар ансамбли ҳам катта ҳисса қўшдилар. Биз уларга чин дилдан миннатдорчилигимизни изҳор этадим.

С. ҲАСАНОВ.



Суратларда: Мулоқот оқшоми лаҳзалари.

Суратчи: А. Zufarov.

ЗАМОН ВА ЁШЛАР

ТУҒИЛГАН КУНИМИЗ

Эртага Ленин комсомоли туғилган куни. Шу куни да- лада биз билан биргалликда ноҳиямизнинг ҳаваскор кол- лективлари, савдо ходимлари ҳам бўлишди. Пахтазорда куй-қўшиқлар янграб байрам савдоси ташкил этилади.

Ўзининг ҳисобот-сайлов конференциясига ҳозирлик қу- раётган комсомол ташкилотимиз фаолиятида кейинги йил- ларда сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлаш лозим. Улардан энг асосийларидан бири ёшлар илмий- техника ижодкорлиги марказларининг кўпайётганидир. Бундай марказларнинг дастлабкисига биз «Нигора» деб ном берган эдик. Ҳозир у аҳолига 200 минг сўмлик хиз- мат кўрсатапти. Низомий номидазининг Тошкент педагогика институтида студентларнинг дам олишларини ташкил этиш мақсадига хизмат қиладиган «Авангард» маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади. «Таштекстильмаш» заводи қошида эса ёш ишчиларнинг илмий-техника ижодкорлиги марказ- ини ташкил этиш ишлари низоҳатга етган. Умуман бир сўз билан айтганда бундай марказлар йиғит-қизлари- мизнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда яхши сама- ра берапти.

Ҳозир жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тақдир ёшларимизнинг қўлида. Умуман мамлакатимиз- нинг келажаги бутунги ёшларимизнинг билими, ташаб- букдорлиги, она-Ватанига садоқатига боғлиқ. Улар замона- га муносиб авлод бўлиб етишсалар, бугунги кундаги жи- гиланиш ўзининг ижодий самараларини беради.

Замира ҚОСИМОВА,

Фрунзе ноҳияси комсомол комитетининг биринчи ко- тибаси.



Меҳнат унумдорлигини, қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, янги техника ва технологияни яратиш ва ўзлаштиришга, ишлаб чиқариш жараёнини автo- матлаштириш ва механиза- циялаш даражасини оши- ришга, материалларни тежа- ш ва меҳнат сарфини қисқар- тиришга, меҳнатни ташкил этишини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги ҳамда социалистик мусобақа-

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

да юқори натижаларга эришганлиги, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иш- тирокни учун қуйидагиларга Тошкент вилоят Ленин комсомолининг ишлаб чиқариш бўйича мукофоти бе- рилди ва улар Тошкент вилоят Ленин комсомоли му- кофоти лауреатининг ишони ва дипломи билан тақдир- ландилар:

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номи Ленинiston металлургия заводи темир йўл цехидан фойдаланиш

хизмати тўртинчи сменаси- нинг комсомол-ёшлар коллек- тиви (бригада бошлиғи Э. Мустафоев), Пискент райо- нидagi Ломоносов номи 23- ўрта мактабининг ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси (бригада бошлиғи П. С. Султонов). Тошкент шаҳар Киров рай- онидagi 4-ошхонанин «Ор- зу» кафеси комсомол-ёшлар коллективи (бригада бошли- ги Н. Б. Ниёзов).

Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауре- атларини табриқлаймиз!

● ТОШКЕНТДАГИ 109-ўрта мактаб кутубхонаси 14 минг китоб фондига эга. Уларнинг каттагина қисми жаҳон халқ- лари классикалари ижодига мансубдир. Мактаб ўқувчилари турли асарлар бўйича ўзаро мунозаралар ўтказмоқдалар. Янги китоблар ўзгаригиде фаол иштирок этмоқдалар. Ёшларда китобга бўлган қизиқишини оширишда кутубхоначи Маш- кура Эргашева турли шакл- лардан самарали фойдалан- моқда. Суратда: мактаб ком- сомол ёшлари кутубхонада. Р. АЛБЕКОВ сурати.

Бизнинг суҳбат

МУСТАҚИЛ ҲАЛ ҚИЛАЙЛИК

Ленин комсомоли туғилган кун арафаси- да сизни қандай ҳис- туйғулар қамраб ола- япти? Жамоатчи мух- бириниз Аббор Имом- хўжаевнинг бу саволи- га комсомол ходим- лари қуйидагича жа- воб беришди.

Раҳман АЛИМОВ, Тош- кент электротехника алоқа институти комсомол қўмитаси котибининг муовини:

— Қайта қуриш талаб- лари асосида тобора муста- қил ҳаракат қилишни ўрган- моқдамиз. Яқинда ўз ҳисо- бимизни очдик. Комсомол- лар коллектив бўлиб ишлаб топаётган маблаг шу ҳисоб- га келиб тушаяпти. Энди тадбирлар ўтказишга қий- налмаймиз. Ҳозир институт- да «Врифинг» ёшлар марка- зи ишлаб турибди. Фаол комсомолларимиздан Евге- ний Константинов унга раҳ- барлик қилаяпти.

Ҳисобот-сайлов йиғи- лида биз 27 нафар йиғит- қизини район комсомол кон- ференциясига делегат этиб сайладик. Улар комсомол

иш услубини такомиллашти- риш билан боғлиқ ўз ҳара- кат дастурларини конферен- цияда баён этадилар. Дас- турда қуйи ташкилотлар фаолигини ошириш, ком- сомолнинг обрўсини ўсти- риш билан боғлиқ фикрлар баён этилган.

Илёс ҚУРҒОНБОВ, Чирчиқдаги «Электрхим- пром» ишлаб чиқариш бир- лашмаси комсомол қўмитаси котиби:

— Тўққиз ойлик иш якун- лари мени қониқтирмапти. Қўпгина комсомоллар бир четда томошабин бўлиб турганликлари учун ҳам баъзи муаммолар ҳал этил- май қоляпти. Энг аввало биз ҳар бир йиғит-қизнинг фаолигини ошириш устида қайғуришимиз керак.

Комсомолнинг обрўси аниқ ишларда ошади. Биз ёшлар фаолигини ошириш мақсадида касб маҳорати бўйича бахслар ўтказмоқда- миз. Тажрибали ишчилар бу бахсда ҳакамлик қилишля- пти. Ўзини ҳар жиҳатдан қўлга олган ёшларга муста- қил иш топшириляпти.



Улар узоқ хайрлашишди. Қалблардаги ҳис-ҳаяжонлари шундайгина сезилиб турарди. «Яна кўришгунча» деган сўз- лар такрор-такрор янгради. Ниҳоят меҳмонлар тушган автобус жойидан кўзгалди...

Поётахтимизнинг Киров рай- онидagi Димитров номи 9- ўрта мактаб ўқувчилари чет мамлакатдаги тенгдошлари билан мустаҳкам алоқа ўрна- тишган. Бу мактабин Тошкент элзиласидан сўнг боллар дўстлар қуриб, тўла жихозлаб беришган эди. Ушандан бери икки мамлакат болалари дўст, биродар. Тез-тез хат ёзишди, навбатма-навбат бир-бирлари- нинг юртиларини зиёрат қилиб туришди. Мактабда Димитров ҳаёти ва меҳнат фаолиятини акс эттирувчи музей ташкил этилган. Уша йили байналми- лал дўстлик клуби ташкил этилди. 50 та ўқувчидан иборат бу клубга рус тили ўқитув- чиси Дилора Урмонова раҳ- барлик қилаяпти. 23 йилдан буйён фаолият кўрсатиб кела- ётган ушбу клубнинг ўз кенга- ши, секциялари бор.

9-ўрта мактаб ўқувчилари Финляндиядаги Якемяке номи мактаб ўқувчилари билан ҳам алоқа боғлашган. Шу йил баҳорда юқори синф ўқувчи- лари Финляндияда бўлиб, бир ой давомида улар билан ўқиш-

ди, фин тилини ўрганишди. Сентябрь ойида эса финляндиялик болалар Тошкентга келишди. Уларни кувоч билан кутиб олган тошкентлик ўқувчи- лар дўстларига ўзбек тилини ўргатишди. Айрим фанларни

бордик. У ерда кўхна обида- лар билан танишишди. Бундай қизиқарли саёхатларни ташкил этишда республика комсомоли Марказий Қўмитаси яқиндан ёрдам берди. Тошкентлик ўқувчилар фин-

чи кўнғироқда америкаликлар иштирок этишди. Шунингдек, Фарбий Германия, КХДР ўқув- чилари билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Яқинда кореялик 65 ўқувчи тошкентликлар ҳу- зурида бўлишди.

ҲАР ҚИТЪАДА ДЎСТЛАРИ БОР

биргаллашиб ўқишди. — Биз болаларни, — дейди тарбиявий ишлар бўйича ди- ректор муовини Рустам Мирка- римов. — Меҳмонхоналарга эмас, ўз ўқувчиларимиз оила- ларига жойлаштирмайди. Улар тез кунда ана шу оиланин- г ҳақиқий аъзосига айланишди. Финляндиялик ўқувчилар химия, чизмачилик, инглиз ти- ли ҳамда расм дарсларида қатнашишди. Бўш пайтларида эса савҳатлар уюштирдик. Ка- линин районини, Тошкент райони- нинг К. Маркс ҳамда «Ўзбе- кистон ССР 50 йиллиги» коло- хозларда бўлиб, дала ишлари билан танишишди. СССР халқлари дўстлиги саройига, чинини заводига боришди. Биз уларни Самарқандга ҳам олиб

ляндиялик қардошлар билан ҳар йили икки мартадан уч- рашиб туришга шартлашиб олишди. Бунда ўқувчилар бир- бирларининг ҳузуриларига ба- диний ҳаваскорлик коллективи ҳамда ижодий кўргазмалар билан боришлари ёки делега- ция айирбошашлари мумкин. Йилда бир ой дўстлар макта- бига ўқиб, билим олишди. 9-мактабда кейинги йилдан бошлаб фин тили ўргатиш йўлга қўйилди. Худди шу пайтда финляндияликлар ўз мактабларида ўзбек тилини ўргана бошлашди. Тошкентлик бу байналми- лалчи- лар Америка Қўшма Штатла- рининг Сизлт шаҳридаги тенг- дошлари билан дўстлашиб келишмоқда. Бу йилги бирин-

Байналмигал дўстлик клуби- нинг раҳбари Д. Урмонованин- г айтишича, чет мамлакатларга бўлаётган бундай саёфалар, улар билан ёзишмалар ўқув- чиларини инсонпарварлик, би- родорлик, яхшиликка ўргат- моқда. Шу билан бирга улар ҳаёти билан танишиш имкони- ни бермоқда. Дарҳақиқат, меҳр икки кўз- да, деганларидек ўқувчилар бир бор кўрган биродарлари- ни яна кўришга ошиқишади. Уларнинг яшаш ва билим олиш шартларидан хабардор бўлиб туришини исташди. Ке- рак бўлса ҳар қандай ерда- мга тайёр эканликларини из- ҳор этишди. Бундай мулоқот- лар болаларни ёшлардан дўст- ликни қадрлашга ўргатапти.

9-мактаб ўқувчиларининг пухта билим олишлари учун барча шаронлар яратилган. Компьютерли иккита синфо- на бор. Ўғил болалар учун ало- ҳида спорт зали мавжуд, қиз- лар учун қурилаган спорт зали битай деб қолди. Мак- табда 400 ўринли кинотеатр ҳам бор. Ҳозир ёшлар ноябрь ойида Ж. Ҳеру туғилган кун муносабати билан ўтказилди- га Ҳиндистон ҳафталигида фаол иштирок этишга ҳозир- лик кўрмоқдалар.

Р. УСМОНОВА.

• Ёш байналмигалчилар

Эртага—Автотранспорт ходимлари куни

ҚЎШ БАЙРАМ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ, шу жумладан, вилоятимиз автомобилсозлари эртага қўш байрами — Автомобиль транспорти ходимлари куни ва шонли сана — тармоқ ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлайдилар. Шонли сана арафасида штатсиз мухбиримиз В. СЕРГЕЕВ «Ташоблгрутранс» концерни раиси С. М. ЮСУПОВдан пойтахт вилояти автотранспортининг ривожланиши ва унинг бутунги ишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Маълумки, Октябрь инқилобигача Ўзбекистонда автомобиль транспорти деярли бўлмаган. Юклар асосан от-араваларга ташилган, дарё транспортда белгиланган манзилларга етказиб турилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан республикада автомобиль транспортини шакллантириш юзасидан ишлар бошланг кетди. Биринчи беш йиллик охирига келиб автомобиль паркидаги машиналар сони 1300 тадан ошириқли ташкил этди. Унда 1,7 миллион тонна турли хил юк ташиб берилди.

Иккинчи беш йилликда юк автотранспортини анча ривожланди. Беш йиллик охирига келиб бундай автомобиллар сони 10 мингтага яқинлашиб қолди. Шу давр

да йирик автомобиль хўжаликлари ташкил этила бошланди. Айни вақтда йўловчиларни ташини ҳажми ортди. 1939 йилда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ҳалқ комиссариатининг ташкил этилиши экономиканинг бу тармоғи учун янги истиқболлар очиб берди. Автомобиль транспорти жадал ривожлана бошлади. Унинг жами юк оборотидаги улуғлиги ортиб борди, парки янги-янги юк ва енгил автомашиналар, автобуслар билан муттасил тўлиб борди.

1955 йилда Тошкент вилояти юк ташини автомобиль ишлаб чиқариш трести ташкил этилди. Уша вақтда трест ихтиёрида 2325 та юк автомобиллари, автобус ва енгил таксилар бўлиб, улар

ёрдамида минглаб корхоналар ва хўжаликларга хизмат кўрсатиларди. Трестимиз шу йилнинг 1 октябрдан меҳнат коллективларининг қарори бўйича «Ташоблгрутранс» концернига айланди.

Ҳозирги вақтда концернимиз 350 дан ортиқ ташкилот ва корхоналар билан юк ташини бўйича шартнома мажбуриятларини тузиб ишламоқда. Бунгача хўжалик ҳисобини қўлланган эди. Бу янги усулни жорий қилиш коллективимиз меҳнати натижаларининг самараси салмоқини бўлишига олиб келди. Фойда миқдори 700 миңг, даромадлар 1,5 миллион сўмлик ошди. Меҳнат унумдорлиги 6,8 процент ўсди.

Ҳар бир автомобиль корхонасида сауна, душхона қурилган. Дам олиш хоналари бор. Иккита мактабгача ёшда болалар комбинати ишлаб турибди. Битта профилакторий-санаторийда ҳар йили юзлаб транспортчилар ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Корхоналар хузурида ташкил этилган тўртта ёрдамчи хўжалик ишчи-хизматчиларимизни тур

ли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда.

Бизда уй-жой қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилайти. Уз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига ҳар бир транспортчи оиласини алоҳида уй ёки квартира билан таъминлаш масаласини 1994 йилгача ҳал қилиш ниятидамиз.

Илгор транспортчиларимиз республикамизда қатор ташаббусларнинг ёйилишига ёрдам бердилар. Масалан, республика автомобиль транспортда бригада пудрати усулининг жорий қилиниши Бекободдаги 16 автомобиль транспортчи корхонаси бригада бошлиғи Ҳайбулла Абдужабборов номи билан белгилади. У ўз касбдошлари ҳисобига биринчи бўлиб шу усулни ўзи раҳбарлик қилаётган коллективга қўллади. Унинг ташаббусини ўрганиш учун корхонада махсус республика мактаби ташкил этилди. Бу мактабда юзлаб ҳамкасблари ўқидилар. Янгиликни ўрганиб, уни бутун

тармоққа ёйдилар. Ҳозирги вақтда фақатгина бизнинг концернимизда 46 бригада шу усул асосида ишламоқда. Бу бригадалар коллективлари жами юкнинг салкам 50 процини ташиб беришати.

Ютуқларимизга муносиб ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш илгорларини номини айтиб ўтмоқчиман. Қатор орден ва медаллар кавалерлари Туроб Италоков, Олтибой Қўшнаков, Сергей Ким, Салиқул Қўрабозов, Абдулҳаёт Алимов, Николай Ким, Григорий Гернер, Сергей Боровский ва бошқа ўнлаб, юзлаб ҳайдовчилар ҳақида фақат илқ сўзлар айтиш мумкин. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан касблари шухратини оширмоқдалар.

Имкониятдан фойдаланиб, вилоятимиздаги 30 миң нафардан ортиқ ҳамкасбларимизни байрамлари билан, тармоқнинг санаси билан қизгин муборакбод этаман ва уларга машаққатли ҳамда шарафли ишларида катта муваффақиятлар тилайман.

«САВОБ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

КЕИНИГИ пайтларда халқ орасида ширкатларнинг юлғичлиги, шахсий бойлик орттириш манбага айланиб қолганлиги, бирни ўнга қўллаб халқнинг ҳамёнини қуритаётганлиги ҳақида ҳар хил гаплар кўпайиб кетган эди. Бу мавзу СССР Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида ҳам халқ депутатлари ўртасида кизгин тортишувларга, мунозара ва таклифларга асос бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ҳайъати ширкатлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида уларнинг айримларини, хусусан, халқ эътирозига учраганларини бутунлай тақиқлаш, айримларига солинадиган солиқ миқдорларини ошириш тўғрисида махсус Фармон эълон қилди.

Ҳақиқатан ҳам ширкатлар ёппасига энгилмас эмаслигини, уларнинг аксарияти халқ учун керакли, фойдали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Жумладан, Тошкентдаги «Савоб» хайрия ширкати қилаётган ишининг маъқуллиги билан халқ эътиборини қозонди.

Мухбиримиз «Савоб» ширкати раисининг ўринбосари АЗИМЖОН ТОШПҲАТОВ билан учрашиб, ширкат аъзолари бажарётган хайрли ишлар хусусида суҳбатлашди.

— «Савоб» — мусулмонлар эътиборини оҳанрабодек ўзига тортадиган сўз. Ширкатингизга атайлаб шундай ном қўйганимизлар ёки қилаётган ишларингиз ҳақиқатан ҳам савоблими? Агар шундай бўлса, мисолларда изоҳласангиз.

— Аҳоли орасида у ёки бу таҳдид ёрдамга муҳтож кишиларга, аниқроқ қилиб айтидиган бўлсак, болалар уйи, кексалар уйи, кўп болали оилаларга, ногиронлар ва умуман ёлғиз қариларга ҳолис, писабиллоҳ ёрдам бериш чиндан ҳам савобли иш. Яширишининг ҳожати йўқ, айниқса бугунги кунга келиб бундай қишлар сони жуда кўпайиб кетди. Бизнинг мақсадимиз — шуларга текин ёрдамлашчи. Демак, кўриниб турибдики, халқнинг эътиборини қаратиш яъни ўзинимизни кўз-кўз қилиш мақсадида йироқмиш. Муҳтож юртдошларимизга озми-кўпми ёрдамимиз тегса деймиз, ҳолос.

Ўзимиз топаётган даромадининг бир қисmini шу мақсадларга сарфлашни мўлжаллаганмиш. Бироқ биз турли хайрия фондларига маблағ ўтказиш билан қи-фоялиб қолмоқчи эмасмиш. Муайян хайрия ишларига ўз қўлимиз билан ҳам маблағлар сарфласак, деймиш. Очинини айтидиган бўлсак, ширкатга уюштирдан мақсадимиз ҳам шу, ўз фаолиятимиз давомида болалар фонди, мусулмон руҳонийлари, жоме, комсомол ижтимоий татминот каби ташкилотлар, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳамда қи-



намоён этиш имконига эга бўлмаганлар учун зарур бўлса ажаб эмас.

Ҳаётдан қўл силтаб, бошқаларга ўхшаб яшайдан умидини узиб қўйганларнинг кўпчилиги қайта оёққа тур-тирилари мумкин, фақат уларга ёрдам қилини чўзмоқ керак. Менимча, ҳар бир онгли киши ҳеч бўлмаса эртага ўзининг бошига ҳам шу кун тушиши мумкинлиги учун ҳам бу масалада жиддий фикрлаши лозимдир.

— Эътироз йўқ, мақсадларингиз — олижаноб. Аммо мақсад сари нима учун айнан ширкат усули танландилар, бошқачароқ йўллари ҳам синаб кўриш мумкин эди-ку?

— Дарвоқе, биз раҳм-шафқат жамиятини ҳам тузишимиз мумкин эди, бироқ бунда ўзини хайр-эҳсон ҳисобига яшаймиш керак бўларди. Чунки, жамият тижорат (савдо-сотиг) билан шуғулланувчи ташкилот эмас-ку ахир. Ширкат мақоми эса ўзини маблағ то-лишимиз учун имконият берилади. Афуски, ширкат — ҳозирча биз ўз мақсадимизни амалга оширишнинг мум-кин бўлган ягона усулидир. Бу ўринда яна бир нарсани айтмаслик мумкин эмас. Ленин район ижроқўми раҳ-бариятида ҳам, республика Соғлиқни сақлаш назорати-да ҳам бизнинг бу ташаб-бусимизни тўла тушунган ҳолда муносабатда бўлди-лар.

— Маълумки, кейинги пайтларда ширкатлар ҳар хил гап-сўзларга, тортишув

ва баҳсларга манба бўлиб қолди. Ҳатто «ширкат» сўзининг ўзиёқ кўпчиликда нозилик ҳиссиётларини уйғотмоқда.

— Мен бу одамларнинг эътирозларини тушунаман. Назаримда уларни ташвиш-лантираётган нарсаси ширкатнинг ўзи эмас, балки бу соҳада ечиммай қолаётган қўллаб муаммолардир. Яъни, савдолдан йўқолиб бораётган мол турларининг кўпайиши ва шунинг оқибатида нарх-навоининг кўтарилиши ҳамда пулнинг қадрсизланишидир. Ҳатто, ширкат тўғрисидаги Қонуни бекор қилиб, ҳамма ширкатларни тарқатиб ажорганда ҳам юз беражак худуддан қочиб қўтилиб бўлмасди. Ҳозир бизнинг экономикаимиз ўтиш жараёнини бошдан кечирапти. Яъни, муносабатларнинг бир тартибдан иккинчисига ўтла-моқда, бутун пойдевор алма-шаптир. Аммо бизнинг ҳамма мушқулотларимиз эконо-микамизнинг муносабатлар-нинг янгича тартибига тайёр эмаслигидандир.

Бу ўринда ҳукуматнинг ширкат муносабати хусусида ҳам гапиришга тўғри кела-ди. Мен Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бу бора-даги кейинги қарорини назарда тутаяман. Ширкат-ларда ҳар хил тоифадаги ки-шилар ишлайди. Янги бош-ланган ҳар қандай ишда бўл-ганда, бу соҳада ҳам яра-мас иллатларнинг пайдо бў-лиши муқаррардир. Бундай ноқонуний ишлар ширкат-ларни тутатиш билан эмас, балки оқилона йўллар бил-лан тартибга солиниши ке-рак. Ширкатларни ёпиб ташлаш муаммони ҳал этиш-нинг дуруст йўли эмас.

— Хайр-эҳсон қилиш учун мўмай даромад бўлиши ке-рак. Сизларнинг асосий да-ромад манбаларингиз қан-дай?

— Биз ҳам давлат, ҳам халқ таъботати йўли билан юқори малакали муолажани уюштириш орқали хайр-эҳсон учун маблағ тўпаламоқ-чимиз. Республикаимиздаги энг юқори малакали врач-ларнинг, деярли ҳамма соҳа бўйича етакчи мутахассис-ларни ҳамкорлик қилиш учун тақлиф этамиш. Ҳозир-ги ҳисоблаб кўринг, Мос-квадаги бирор мутахассис хузурига бориш қанчага тушади. Биринчидан, у ерга ёлғиз бормайсиз. Иккинчи-

дан, самолёт ёки поездга би-лет, меҳмонхонадан жой то-пиш, мутахассиснинг вақти билан ҳисоблашиш... Мута-хассиснинг ўзи беморнинг хузурига келгани анча қўлай эмасми?

Бундан ташқари биз халқ таъботатини кўп асрик тақрибадларини сақлаб, ав-лодлардан авлодларга етказ-аётган чинакам халқ ҳа-кимларидан ҳам фойдалан-моқчимиз. Кейинги пайт-ларда кўлимиздан бой бер-ган ва бой берилаётган на-рсаларни қайта тиклашга ра-бат, интилиш бошланди. Бу халқ таъботатига ҳам таал-луқлидир. Афуски, ота-бо-баларимизнинг таъботат соҳа-сидаги бу беқис бой тажри-баларини қўлдан бой бердик. Чунончи, диний-руҳий таъ-сир ўтказиш (Йоғлар), ши-фобахш гнёҳлар билан дола-вал усуллари ҳозир деярли йўқолиб кетган.

Халқ ҳангиллари, табиб-лар оз бўлса-да, бизнинг давримизда ҳам бор. Шулар-дан бири Алан Чумақдир. Марказий телевидение шара-фати билан уни энди ҳамма таниди. Бундай кишилар, ҳатто, улардан кучлироқ-лари бизнинг республикамизда ҳам бор. Музофотимизнинг азалдан халқ таъботати ўчо-ғи ден аталиши бежиз эмас. Аммо бундай истеъдодларни ҳамма ҳам танийвермайди. Биз улар билан мулоқотда бўлганимизда, ўз истеъдо-ларини муолажана синаб кўришга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Чунон-чи, машҳур экстрасенслар-дан Т. Солиев, М. Мирхуса-нов, Д. Ортиқова, А. Ғофур-ов, Р. Бобоева, А. Качанов-алар биз билан ҳамкорлик қилишга розилик билдир-дилар.

— Ушбу суҳбатимиз ҳа-барномаимизда эълон қилин-гач ўқувчиларимизнинг қай даражада қизикиб қолишлар-ини тасаввур қилса бўлади. Кўнчилигиде «Сизларни қа-ердан тонамиз?» деган савол туғилиши мумкин.

— Бизни қидириб овора бўлишмайди. Мутахассис врачларнинг ишлашлари учун 3-Қўйлик мавзесида жойлашган 2-поликленикда-ғи қатор хоналарни ижарага олдик. У ерга 26-трамвай ёки бекатларга кам тўхтайдиган 37-автобус билан борилади. Аммо бу хоналар камлик қилади. Шаҳарнинг турли мавзеларида ҳам бир қатор биноларнинг ижарага олиш мўлжаллими бор.

Бизга исталган масала юзасидан соат 16 дан сўнг 90-02-27, 90-02-19 рақамли телефон орқали мурожаат қилиш мумкин.

Суҳбатни А. Йўлдошев олиб борди.

ХАММА ШИРКАТЛАР ҲАМ ЗИЕНКАШИМИ?

СССР Олий Совети сессиясида кооперативлар фаолияти қизғин баҳс-мунозарга сазовор бўлган, олди-сотди савдо кооперативлари қаттиқ тақиқлаш учраётган айни бир пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қатор кооперативлар фаолиятини тақиқлаш тўғрисида Фармон чиқарди. Хусусан, бу Фармон билан олди-сотди савдо кооперативлари, хусусий тарзда озиқ-овқат тайёрлаш қабилар ҳам тугатилди. Таъкидлаш кераки, бу — ҳалқнинг кўнглидаги иш бўлди. Нега?

Мана шу саволга жавоб бериш учун Тошкент область Ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. А. УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Абдулла Акрамович, аввало, кооператив фаолиятининг айрим турларини тақиқлаш тўғрисидаги Фармонга муносабатингиз?

— Илгари «юқори» нима қарор қабул қилса «маъқуллашмаймиз», «қўллаб-қувватлашмаймиз» дея, гўё тўтқиқликдек гапирилаверарди, у тўғрими-нотўғрими ўйлаб ҳам кўрилмади. Газетхонлар менинг бу саволингизга бердиган жавобимни ана шундай кўр-қўрона маъқуллашларининг давомига ўхшатмасликларини илтимос қиламан. Фармон ўз вақтида чиқарилган нуфузли қонуний ҳужжат бўлди.

— Сабаб?

— Сабабини, аниқроғи, умумий сабабларини ҳалқ кўриб-билиб турибди, биз орган ходимлари эса улардан кўра чуқурроқ кўраймиз, тушунаймиз. Мана, шу йилги ёнинг бошларини эсланг: бозорда помидор нархи қанча муддатга 3—5 сўмдан пастга тушди. Роса бир ой десам янглишмайман, орада бир-икки ҳафта бўлдики, у даврда нарх кун сайин тушиб ўрнига аксинча кўтарилди ҳам. Яъни, олдинги йилларда помидор 70—80 тийин бўлагидан паллада бу йил уни уч-тўрт сўмдан сотиб олдик. Асосий сабаби — кооперативлар. Олди-сотди савдо кооперативлари аъзолари помидорни ишган жойидан кўтара савдо қилиб, республикадан ташқарига, Россиянинг олис шаҳарларига олиб кетавердилар, уёқларда икки—уч баравар қимматига сотавердилар.

— Сизлар, БХСС вакиллари томошани бўлиб туравердингларми?

— Бошқа иложимиз йўқ эди, уларнинг қўлида бундай фаолиятга руҳбат берилган, давлат муҳри қўйилган гувоҳномалар бор эди.

— Яъни, қонундаги олиб-сотарлар...

— Худди шундай. Қаллоблар ҳам дейиш мумкин.

— Ҳалқнинг қўзини бақрайитиб туриб, дастурхондагини тортиб кетадиган бундай кооперативлар нега керак эди?

— Юқори минбарларда кўп гапирилаётганидек, мамлакатимиз ҳозир ўзига хос инчилобни бошидан кечиряпти. Ҳар қандай инчилобий ҳаракат эса, менимча, ютуқлар билан бирга нуқсонлардан, сивов-тажрибалардан ҳоли бўлмайди. Тажриба эса ҳоли акс таъсир бериши мумкин. Олди-сотди кооперативлари худди шундай бўлди: улар ҳалқимизнинг дастурхонини бойитиш учун тапқил этилган эди, амалда эса дастурхондагига чанг соқдилар. Масалан, 1987 йилда Чирчиқ шаҳар ижроия комитети руҳсати билан ташкил этилган «Транзит» кооперативини олиб кўрайлик. Бу кооператив четдан гўшт, балиқ маҳсулотлари, ёғоч-тахта материаллар, оқел-ботишга мўлжалланган эди. Мақсад яхши, тўғрими? Улар нима қилдилар?

Аввало, кооператив тузишда ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилди. Кооперативга жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган пенсионерлар, уй бекалари, студентлар аъзо бўлиши мумкин. Бунданчи? 1985 йилда тузилган Геннадий Андреевич Кириенко «Чирчиксельмаш» заводига физкультура инструктори бўлиб ишларди. У 1987 йил 25 майда шаҳар ижроия комитетига кооператив тузиш тўғрисидаги мажлис қарорини тақдим этди. Унда тўрт кишининг фамилияси кўрсатилган эди. Улардан бири Г. Кириенконинг отаси А. Кириенко бўлиб у пайтда Кемерово областининг Прокопьевск шаҳрида яшарди. Сўнг ўз ҳолича кооперативга ўзи раис бўлиб олган Кириенко унга онасини ҳам аъзо қилиб олди ва янги кооператив аъзолари Чирчиққа кўчиб келишди. Шунингдек, раис «ўз коопера-

тивга» ошнасини — Чирчиқдаги «Семурғ» кооперативининг директори Хайруллинни расман аъзо қилиб қўйди.

— Улар нима билан шуғулланишди?

— Ишни давлат банкидан қарз—судда оlishдан бошладилар. Бир йилга етар-етмас фаолияти мобайнида банкдан жами 40 миң 500 сўм пул олишди.

— Шахсий уй қурмоқچа бўлган бечора деҳқонга эса 3—4 миң сўм қарз бериш учун банкда пул «йўқ»...

— Яшанг. Мана шуларнинг касрига. Бизда, кооперативлар ҳар ўн миң сўм қарз учун банк мутасаддиларига миң сўм «таксап» берганлари ҳақида далил—маълумотлар ҳам бор. Масалан, шу йил 25 августда саноат-қурилиш банки Олмалик бўлимининг бошқарувчиси А. Рабев ва Олмалик турар-жой социал банкнинг инкассация бошлиғи Ш. Жўраевлар кооператордан 14 миң сўм пора олганда ушландилар.

Шундай қилиб, Чирчиқ аҳолисини гўшт-балиқ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари билан таъминлашга даъват этилган «Транзит» республикамизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини тоналаб сотишда, Шимолга элтиб пуллайверди. 1987 йил июнда бисмиллосига Тошкент ёнбошидаги Саригоч району ва Коммунистик району меҳнатнашларидан 10 миң 51 килограмм (1) помидор сотишда, Новокўнецда бозор-чайқов баҳосида пуллашди. Хўп, Низомга кўра фойданинг маълум қисми давлат ҳисобига топширилиши керакими? Керак. Улар эса бу операциядан 11 миң 512 сўм зарар кўрган эмишлар. Ана, керак бўлса, бу пулни уларга Давлат тўласини Бирок, Кириенко бу зарар ҳақида ўша вақтда тартиб-қоидага биноан давлат банкни ҳам, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетини ҳам, ўзининг бевосита раҳбар ташкилоти бўлмиш шаҳар умумий овқатланш трестини ҳам хабардор қилмади.

1987 йил июлда Г. Кириенко ўғирланган маҳсулотини сотишга ўтди: Бекобод районидagi «Коммунизм» колхози даласидан ўғирланган 12 миң 150 килограмм қовунни ҳар қилосини 40 тийиндан сотиб, Омск шаҳрида 9483 сўмга пуллади. Кўраписми, биттагина кооператив ўнлаб тонна помидор ва қовун-тарвузларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетаверса, ахир бозор қандай қилиб арзон бўлсин. Бозорнинг ўз қатъий қонуни бор: маҳсулот аслия таги мўл бўлса, бозорда арзон бўлади. Бозорни арзонлаштиришнинг бошқа ҳеч қанақа йўли йўқ.

— Шундоқ ҳам, Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотнинг 70 фоизи умумиттifoқ фондида жуъатилган экан. Кооперативларнинг ўнлаб, юзлаб тоналаб ошкетайтдилари эса у 70 фонздан эмас, республика аҳолисига қолмиш 30 фоиз ҳисобидан кетгати. Девонанинг тўрвасиданин қочиб олгандек. Октябрда, декабрь—январь ойларида Москвада олманинг сарасини магазиндан 1—1,5 сўм

минсоллар келтириш мумкинми?

— Минсоллар кўп. Улар орасида яна бир ийрикроғи ҳақида гаплаша қолайлик. Бу — Оржоникидзе районида ташкил этилган «Радуга» яъни «Камалак» кооперативининг фаолияти. Номининг чиройлилигини қаранг. Афсуски, мазкур кооперативнинг фаолияти ҳозир ҳаётда амалда эмас, балки жиний «дело»ларда «камалакдек» товланапти. Кооператив раиси Шамил Аминов 1981 йилда тузилган, илгари икки марта — товламачилиги ва ўғрилиги учун қамалган.

— Шоманг, Абдулла Акрамович. Бундай одми моддий жавобгар ишга — кооператив раислигига тайинлаш мумкин эмас-ку, ким унга руҳсат берган?

— Оржоникидзе району ижроия комитети раҳбарлари.

— Улар илгари икки марта судланган одми кооперативга раис этиб тайинлаш мумкин эмаслигини наҳотки билмишас?

— Буни уларнинг ўзларидан сўрайсиз, бу саволга

Шамил Аминов тўртта вагонни ажратиб бергани учун «Қодир» темир йўл станциясининг бошлиғи Шамил Галимовга 800 сўм билан «миннатдорчилик» низоҳ этган.

Маълум бўлишича, илгари 1988 йил декабрда ҳам Красноярск ўлкаси матлубот жамиятига 4 та холодильникли вагонда консерва маҳсулотлари жуъатилган экан, бироқ бу юк жуъатилгани тўғрисида бухгалтерияда ҳеч қандай чиқим ҳужжатлари йўқ. Бу эса, Аминовнинг кўрғазмаси билан биргаликда, ана шу вагонларда ҳам комбинатдан ўғирланган ва «Радуга» кооперативи сотиб олган маҳсулотлар жуъатилганини тасдиқлайди.

— Тутиш операциясининг кейинги фoш этиш «технологияси» ҳам газетхонлар учун қизқарли бўлса керак.

— ОБХСС ходимлари, область агросаноат комитетининг мутахассис ва ревизорлари кучи билан комбинатнинг асосий омборлари ёпиб қўйилиб, ревизия ўтказилди. Оралиқ цех омбор мудири У. Йўлчиевдан 85 миң 570 сўм камомад ва 176 миң 220 сўм ортиқча чиқди. Шунингдек, бошқа омбор мудириларда ҳам бирнеча миң сўмлаб камомад ва ортиқчалар борлиги аниқланди.

— Абдулла Акрамович, «бошқалар» дейишнингиздан ҳамма иштирокчиларнинг номини аташдан ўзингизни тийинсиз, чамаси, суд бўлмагунча булар ҳақида батафсил гапиршдан истиҳола қилинса.

— Тўғри пайқабсиз. Қонунга, тартиб-қоидага ҳамisha итоат этишимиз зарур. Улар айбдорлигини юқоридаги далил-ашёлар ва пуллар сўвсиз тасдиқлайди. Бирок, сўзбир, ҳозир биз уларни жиноятчи деб атай олмаимиз, бунинг фақат суд айтди. Мен яна бир фактни эслатиб ўтишим мумкин: жиний иш бўйича айбдорлардан 88 миң 480 сўм нақд пул олинди ва 135 миң сўмлик мулк-буюм рўйхат қилинди.

— Кооператив соҳиб Шамил Аминовнинг фаолияти фақат шу иш билан боғлиқми?

— «Радуга»да олти киши ишлайди, айниқўра, ишлаган. Давлат банкидан 230 миң сўм қарз олинган. Ҳозир Аминов қочиб юрибди, қидирувда. Комбинат қоровул хизматининг бошлиғи 2,5 тонна кунжутни (хoлва учун ишлатилади) хуфёна чиқариб юборган, бу ҳақида у кўрғазма берган кунининг эртасига ўзини осибди...

— Демак, кооперативнинг бу турини тақиқлаган Фармон келажакда кўп одамларни жиноятдан сақлаб қолди, десак тўғри бўлади?

— Тўғри бўлади. Фармоннинг бош мақсади — ўғриликни камайтиради, тежин даромад йўлини беркилади, дастурхонимиз мўлқўллигини таъминлайди.

— Абдулла Акрамович, суҳбатимиз сўнгига, норасийроқ савол: эшитишимча, ушбу жиний ишнинг очтаинишлардан кейин сизнинг ўйингиздагиларга телефон орқали номаълум кишилар томонидан пўнсалар ҳам бўлибди, ростми?

— Рост, лекин бу энди бўлаётгани йўқ, биринчи марта эмас. Ишимиз шунча, нима қилайлик. Қўрқас, ишни йиғиштириб қўйишимиз керак.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Ҳалқ оинини туга қилаётганларга қарши, эл дастурхонининг мўлқўлчилиги учун курашда сизларга ҳамisha муваффақият ёр бўлсин.

Суҳбатни Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ олиб борди.

ҚОНУННИ ПЕШ ҚИЛГАН ҚАЛЛОБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ КООПЕРАТИВ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

тивга» ошнасини — Чирчиқдаги «Семурғ» кооперативининг директори Хайруллинни расман аъзо қилиб қўйди.

— Улар нима билан шуғулланишди?

— Ишни давлат банкидан қарз—судда оlishдан бошладилар. Бир йилга етар-етмас фаолияти мобайнида банкдан жами 40 миң 500 сўм пул олишди.

— Шахсий уй қурмоқча бўлган бечора деҳқонга эса 3—4 миң сўм қарз бериш учун банкда пул «йўқ»...

— Яшанг. Мана шуларнинг касрига. Бизда, кооперативлар ҳар ўн миң сўм қарз учун банк мутасаддиларига миң сўм «таксап» берганлари ҳақида далил—маълумотлар ҳам бор. Масалан, шу йил 25 августда саноат-қурилиш банки Олмалик бўлимининг бошқарувчиси А. Рабев ва Олмалик турар-жой социал банкнинг инкассация бошлиғи Ш. Жўраевлар кооператордан 14 миң сўм пора олганда ушландилар.

Шундай қилиб, Чирчиқ аҳолисини гўшт-балиқ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари билан таъминлашга даъват этилган «Транзит» республикамизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини тоналаб сотишда, Шимолга элтиб пуллайверди. 1987 йил июнда бисмиллосига Тошкент ёнбошидаги Саригоч району ва Коммунистик району меҳнатнашларидан 10 миң 51 килограмм (1) помидор сотишда, Новокўнецда бозор-чайқов баҳосида пуллашди. Хўп, Низомга кўра фойданинг маълум қисми давлат ҳисобига топширилиши керакими? Керак. Улар эса бу операциядан 11 миң 512 сўм зарар кўрган эмишлар. Ана, керак бўлса, бу пулни уларга Давлат тўласини Бирок, Кириенко бу зарар ҳақида ўша вақтда тартиб-қоидага биноан давлат банкни ҳам, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетини ҳам, ўзининг бевосита раҳбар ташкилоти бўлмиш шаҳар умумий овқатланш трестини ҳам хабардор қилмади.

дан тавлаб олиш мумкин бўлганида, уни етиштирган ўзбекистонлик деҳқон бозордан 5 сўмдан сотиб олмиша мажбур бўлди. Қартошча, пивё, сабзи каби сабзавотларда ҳам худди шундай 4—5 баравар қиммат исбат вужудга келди. Шу ўринда, суҳбатимизга бевосита алоқадор бўлмаса-да, республикамиз ҳукумати-нинг қилшқ аҳолисига 25 сотхондан томорқа ажратиб тўғрисидаги қарорни мева-сабзавот бўйича тағ вазиятнинг юмшатишга кескин таъсир қилди, деб ўйлайман...

— Тўғри. Бу қарор республикамизда кейинги вақтда дадил ва муҳим биринчи воқеа бўлди десак, иккинчиси, бизнинг суҳбатимизга сабаби Фармон. Бу иккинчи бир-бири билан жуда боғлиқ. Деҳқон катта томорқасида мўл маҳсулот етиштиргани билан уларни даладан қонундаги олиб-сотарлар сотиб олиб вагонларга жуъатиб турган, самара унчаём сезилмаган бўлур эди. Энди тақридан сўнг бошқа гап...

— Абдулла Акрамович, «Транзит»дан четлаб кетдик шеяяли, унинг тақдирини нима бўлди?

— 1988 йилдаёқ тугатилган. Област Ички ишлар бошқармаси юқорида айтилган ва бошқа фактлар бўйича бу кооператив қаллоблик зараркунадилик билан шуғулланаётгани тўғрисида Чирчиқ шаҳар ижроия комитетига тақдимнома юборди ва шу билан «Транзит» тугатилди.

— Демак, БХСС бўлими «қонундаги қаллобларга қарши ҳам куралишда, яъни Фармон чикмасдан анча илгари кооперативнинг бу турини мақсадга мувофиқ эмаслиги исботланган экан, шундайми?

— Менимча, мазкур Фармоннинг юзага келишига қуруқ гаплар эмас, мана шунча аниқ фактлар асос бўлган. Биз фақат биттагина «Транзит» ҳақида гаплашдик, бунақа кооперативлар эса республика миёсиде жуда кўпайиб кетган эди.

— Област ҳудудидан яна

жавобгарларни жазолаш бизнинг ваколатимизга кирмайди. Ш. Аминовнинг қилмишларини эса айтиб беришим мумкин. У ўзининга эмас, бошқа кўплаб одамларни қинғир йўлга бошлади ва ҳозир бу иш бўйича ўндан ортиқ одам жиний жавобгарликка тортиляпти.

— Намунча, шунчалик?

— Иш ҳам шунга ярашади. Аминовни шу йил 26 январда «Тошкент — Красноярск» рейси бўйича учадидан самолётга чиқиб олдидаан аэропортдан тутиб келтирдик. Ўзининг берган кўрғазмасига кўра Янги-Тошкент консерва комбинати тақсимот бўлимининг бошлиғи Ҳосид Исмоловдан 16 миң 345 банка консерванланган бодринг, уч литрлик 3908 баллон томат, 3690 банка «Янгилик» салати, 1378 банка қизил помидор, 1120 банка аччиқ-чуқук, 300 банка компот сотиб олган ва уларни тўртта вагонда Красноярск ўлкаси матлубот жамияти адресига жуъатган.

— Сотиб олдими?

— Комбинат савдо ташкилоти эмас, сотмайди. Бирок, шунча маҳсулотни, албатта, сийловга ҳам беришмайди. Исмолов бу маҳсулотлар учун 41 миң 800 сўм пул олган. Исмолов қўлга олинганда у пулнинг 20 миң сўмини оралиқ цех омбор мудири У. Йўлчиевга (ишчи) бериб улгурган экан. Ўз вақтида кўрилган тадбирлар туфайли бу пуллар улардан олинди.

— Судда Аминов бу пулни қаргача берган экан, деб турсанга?

— Мумкин эмас, ашвейи далил бор-ку: юқорида саналган маҳсулотнинг ҳаммаси Красноярскда бизнинг оператив вакилларимиз томонидан «Радуга»нинг вакили иштирокида комиссия тарзда олиб қўйилди.

Кейин тегиришнинг давом этди. Омбор мудири Н. Исоқов ва вилдовачи Э. Осипан сейфидан 2250 сўм пул олинди. Қолган маҳсулот ҳисоб-китоб қилинганда 3250 сўм камомад чиқди.

• Ҳаммани қизиқтирган воқеа •

Кейинги кунларнинг катта шов-шув (*«Нью-Йорк таймс»* газетасининг фикрича — аср лигилиги) Россиянинг Воронеж шаҳридан келган хабарлар бўлди: сентябрь ойининг охири — октябрнинг бошларида жуда кўп гувоҳлар шаҳар четида номаълум учар объектлар (НУО) учганлиги ва кўнганлиги, ҳатто унинг одамларнинг ерга тушиб келганлигини кузатганлар. Бу хабарлар теварагидagi шов-шув авжига чиққанда биз воқеалар ўз берган жойга жўнадик.

...Шаҳарнинг одатдаги манзараси — гавжум кўча, турар-жой даҳаси, болалар боғчалари, истироҳат боғи чеккасидаги майдон. Худди ана шу ерда Воронеждаги Сўл қироқ районининг ана шу қисмида Менделеев кўчаси яқинида ўз кўзи билан кўрганларнинг делолат беришича, тахминан 21 сентябрдан 2 октябргача бўлган даврда сирли ҳодисалар кузатишган. Дастлаб журналистлар асосан ўсмирлар — шу яқиндаги 33-ўрта мактаб ўқувчиларининг далилларига эга эдилар. Лекин Воронежда Радиоэлектроника ва алоқа илмий-техник жамаияти ҳузуридаги ғайриодатий атмосфера ҳодисаларининг ўрганувчи гуруҳи билан ҳам ташаббускорлар фаол иш олиб боришмоқда. Ана шулар ўз кўзи билан кўрганларнинг (улар орасида катта ёшдагилар ҳам анчагина экан) сўхбатларидан қимматли маълумотлар «Тўғлиб» ва бошқа сайёраликлар кўнганлиги таҳмин қилинган жойда дастлабки тадқиқотларни ўтказдилар. Кўрганларнинг ҳар қайсисидан алоҳида-алоҳида сўраб, улар юз берган (балки шундай бўлиб кўрингандир?) ҳодисадан ҳаяжонланган одамларнинг ҳикоялари асосида бўлган воқеанинг муфассал манзарасини яратибгина қолмай, НУО ва «учувчиларнинг» ташқи кўринишини чизиб бердилар. Шуниси диққатга сазоворки, келгиндилар ва уларнинг учар аппаратлари шу йил июнь ойида Вологда область Харовский район Конанцево қишлоғи аҳолиси кузатган нарсаларга жуда ўхшар эди.

Владимир Черкизов худди ана шу нуктани фотосуратга олган. Бундай нурланиш мутахассисларни безовта қилмайди, чунки у одамлар соғлиғига ҳаф солмайди. Бироқ эҳтиёт бўлган яхши. «Бунақа нарсаларга енгилтақлик билан қараш

Шаҳар, қарийб миллион аҳолилик Воронеж эса илмий-ишларга тўла эди. Ҳатто гўё православ черкови, назорларидан бири бу жойни муқаддаслаштирибди ва динга ишонувчилар энди истироҳат боғига чўкинишга келишадиган экан. Биз Воронеж епархияси билан боғландик. «Бу Оллоннинг иши эмас, балки Шайтоннинг ҳунаридир. Ҳақиқий христиан ҳеч қачон бу ерга чўкинишга келмайди», — деди у қатъий қилиб.

...Москвадан йўлга чиққандек биз воқеани ўз кўзи билан кўрганларни тезроқ топиш-

тупроқдан намуна олишга ўхшаш ҳаракат қилган. Болалар бизга (фақат бизгагина эмас) ана шуларни ҳикоя қилиб беришди.

Хўш, катталар-чи? Болаларни буларни тўқиб чиқарган, деган шубҳа бизда йўқ. Болаларнинг энг сўнги «кўрсатмалари» бўлган видеоёзувнинг ўрнигиб чиққан шаҳар мэри Виктор Атласов ҳам шундай фикрда. «Еш эмасман, катта одам» бола қачон тўғирисини айтиб, қачон ёлгон гапиршини аниқлаши мумкин-ку, мен болаларга ишонман» — эътироф этди у биз билан сўхбатда.

япти» деган қичқирқини эшитган. Кўчага югуртилаб чиқиб, сирли жисм орқасидаги ёруғни кўришга улгурган. Уй олдиди одамлар кўп эди, ҳамма кўрган нарсасидан ниҳоятда ҳаяжонга тушган эди.

Энди мутахассисларнинг сўзини эшитайлик. Биз холисизини асло шубҳа қилмайдиган жуда дилбар одам билан бир неча марта сўхбатлашдик. Ҳар қанақанги тахминий фикрларини айтиш унинг қасбига тўғри келмайди. Воронеж ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлимининг бошлиғи милиция полковниги Людмила Макарова ҳодиса юз берган жойда ўлчовлар ўтказган ва уни кўздан кечирган мутахассислар гуруҳисига бошичи қилган. «Бу ерда аслида нима бўлганини билмайман, лекин радиация шароити ошганлиги кўришиб турибди. Сабаби? Эҳтимол, бу ерга қандайдир изотоп парчаси тушиб қолгандир. Ундай десак, яна бир савол туғилади: нима учун «Ер юзасида бўлмаган» айнан чуқурда? Батафсил текшириш ўтказганимиздан кейин ҳамма саволларга, жавоб бера оламиз».

ФАЗОДАН КЕЛГАНЛАР — ВОРОНЕЖ МЕҲМОНЛАРИ

ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРГАНЛАРНИНГ ГУВОҲЛИГИ

мумкин эмас, — деди воқеа содир бўлган жойда бизга СССР Давлат хавфсизлиги қомитетининг маҳаллий бошқаруви жаси вакили. — «Ҳар» қандай ғайриодатий ҳодисалар (улар қаерда юз берган бўлмасин) тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларни пухта ўрганиш лозим. Бу аввало, олиларнинг вазифасидир. Ҳозирча эса биринчи босқичда тадқиқотни асосан ташаббускорлар олиб бордилар. Биз зарур бўлган пайтда шаҳарликларнинг тўла хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш учун бу ерда турибмиз».

Биз Воронежда икки кун давомида шаҳар ва вилоят маълумотларининг жуда кўп вакиллари билан учрашдик. Тадқиқотларни ташкил этишда шаҳар мэри Виктор Атласов, унинг


ни ўйлардик. Энг мураккаб «операцияларга тайёрланган эдик, аслида ҳаммаси бирмунча оддий бўлиб чиқди. Биз истироҳат боғига келишимиз биланқ олдимизга бир тўда болалар югуртилаб келишди. «Сиз журналистлармисиз? Гувоҳлардан сўрамоқчимизиз?» «Шундай эди, — жавоб берамиз биз. — Уларни қаердан топиш мумкин?», «Уша гувоҳлар бизмиз, сизга ҳаммасини айтиб берамиз», кўзлари ҳаяжондан чанқаб турган болаларнинг овози бараварига эшитилди. Яқиндаги мактабда қарслар кетаётган бўлишига қарамай «Бошқа сайёраликларнинг дўстлари» «НУО»ромига вақтинча кўчиб келганлар чоғи, дарслар биров тўхтаб туриши ҳам мумкин...

Денис Мурзэнко, Юра Гринев, Юра Сергачев, Роман

Биз НУОнинг учиси ва ҳатто кўнишини бир неча марта кузатган катталарни ҳам топдик.

Чунончи, дастлабки дақиқалардан бизни ишонтирган милиция лейтенанти Сергей Матвеев 27 сентябрь кеч соат 7 га яқин истироҳат боғи атрофида кетаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Сергей бирдан тахминан 200 метрча баландда шимоллий йўналишда ёнлашган жуда катта тезлик билан ёруғ шар учиб ўтганлигини пайқатган. Унинг назариде шарнинг диаметри 15 метрча эди. Шарнинг учушини беш секундча кузатган, объект товушсиз ҳаракатланиб борган. «Бу эҳтимол сароб — қандайдир нурли доғ, нурнинг атмосферада жилваланишидир!» «Йўқ, — деб қатъий жавоб беради офицер, — жисм як-

Хуллас, шаҳарда «аҳши» хабардор қомиссия» ишлаётган. Комиссияда қатнашишга шу ерлик хил соҳа мутахассислари, расмий кишилар жалб қилинган. Биз комиссия аъзоси, Воронеж давлат дорилфунуни ядро физикаси кафедраси мудири, фан доктори, профессор Станислав Кадменский билан учрашдик. Профессор кўниш тахмин қилинган жойдан 17 марта тупроқ тақрибча олинганлигини бизга маълум қилди. Масала ниҳоятда муҳим бўлганлиги учун у бошқарётган кафедранинг 10 ходими меҳнат қонунчилигига ҳам эътибор қилишмади — мавжуд намуналар устидаги ишни ўтган шанба кўни ҳам, яқшанбада ҳам олиб боришди.



1. 23 сентябрь кеч соат 9 да уйга қайтаётиб осмонда эшкдек қора дарчаси бор қип қизил думалоқ жисмин кўрдим. Шар диаметри беш метрча келади. Ерга қўнлатган пайтда ундан тўртта оёқ чиқди, сўнг дарча очилди ва зинадан «робот» тушиб келди. [Расмларини чизган Воронеждаги 33-мактаб олтинчи синф ўқувчиси 12 ёшли Рома Торшин ҳикоясидан].

2. Р. Торшин билан бир синфда ўқийдиган Жения Блинов 26 ё 27 сентябрда [бола аниқ эслолмайди] кеч соат 7 да ўша жойда иллюминаторлари бор объектни кўрган. Ундан бўйи 3 метрча келадиган қандайдир одам чиққан. «Бошида, — деб тасвирлайди бола, — иккита кўз, ундан сал юқорироқда эса кичкина қизил чироқ кўришиб турарди. Кўринганда унга белгили гардиш, сал пастроқда эса гавдадан чиқиб турган тўғри бурчак бор эди. Жения «келгиндилар келмаси» ва унинг «экипажини чизиб берди.

3. Келгиндининг калласини Воронеждаги 33-мактаб учинчи синф ўқувчиси Олег Чеботарев тасвирлаб берди. У кейинги кунларда бошқа болалар билан бирга илгари «тарелкалар» кўнганини кўришган жойга йўл олган эди. Боланинг омади келди — у ҳам 8—10 метр диаметри тарелка кўнганлигининг гувоҳи бўлди. У маҳлуқнинг бошидаги тўрт «соч» турли хил рангда: ҳаво ранг, қизил ва мовий рангда энанлигини эслаб қолган.

Лекин ўз кўзи билан кўрганларнинг ҳикояси бошқа, приборларнинг холис кўрсатганлари бошқа. Шундай қилиб, НУО кўнган жой тахмин қилинган ерда жуда кўп ботган жойлар аниқланди, улар «оёқлар» — «тарелкаларнинг» тиргаклари излари бўлиши мумкин. Уларнинг диаметри 25—30 сантиметр, чуқурлиги 20—25 сантиметр. Ташаббускор — «норасмий кишилар» делолат беришича, уларнинг мўлажалиде бу ерда жисм ерга тахминан 15 тонна оғирлик билан босган. Лекин энг қизиқарлиси — айрим ботиқ жойларда холис дозиметрик аппаратлар шу атрофдаги — икки-уч метрча наридаги ерларнинг муҳитига нисбатан радиация билан гамма нурланиши мўлажал — даражада ошганлигини қайд этган. Агар одатдаги радиация даражаси бу ерда соатига 10—15 микрорентгенни ташкил этса, йўқ жойлардан бирида 30, бошқасида 37 микрорентгенни ташкил этган (Воронеж ички ишлар бошқармасининг катта мутахассиси

биринчи муовини Александр Цалин, Воронеж ички ишлар бошқармаси раҳбарлари, вилоят партия комитетининг маъсул ходимлари, шу жумладан социал иқтисодий бўлимининг мудири Валерий Дерябин фаол қатнашдилар. Бундан ташқари 12 октябрда КПСС вилоят комитетининг биринчи секретари, СССР халқ депутати Геннадий Кабасин ташаббуси билан билими комиссия тўзиди, бу комиссияга олилар, криминалистар, шифокорлар, метеорологлар, ташаббускор-уфологлар кирди. Жанубий истироҳат боғига қайтайлик. Бу ерда ҳаммасини кўраси: мутахассислар жиддий иш олиб боришляпти, қизиққан одамлар тўдалашиб ҳам юришибди. Одамлар орасида «келгиндилар»га ишонувчилар ҳам, ишонмовчилар ҳам бор. Ҳатто экскурсия ҳам уюштирилди — кўз олдимизда автобус келиб тўхтаб, ундан ҳунар-техника билим юрти талабалари гув этиб тушишди. Ахир ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўрган қизиқ-да...

Милкин, албатта, «телевидение юлдузи» Жения Блинов ва бошқа кўплар муҳбирларнинг саволларига астойдил жавоб беришарди. «Комсомольская правда» ва АПНдан ҳаммасбчлар келишди. Ҳамма гаплар асосий нарсани бир жойдан чиқарди: турли масофадан сирли жисмининг учиси ва кўнишини кўрганлар, у катталиги тахминан 15-у 6 метр келадиган ўртасида дарчаси бор эллипссимон шаклдадир. Объект ердан тахминан бир ярми метр тепада учиб турган, кейин ундан тиргаклар чиққан, ана шу тиргакларда у ерга пастлаб тушган. Очилган дарчадан бўйи тахминан уч метрча келадиган гавда чиқиб келган. Бу гавда «эшикни бутунлай эгаллаган, Белгилари: баъзур юради, бўйни бутунлай йўқ (худди унча ярқираб турган кўзи бор «калла» елкага ўрнашган қандайдир яримшарни эслатарди). Бироз вақт ўзга сайёралик (базиллар уларни бир неча нафар дейишди) аппарат атрофида юрган, атрофини кўздан кечирган, худди

қол кўришиб турарди». Лейтенантининг дастлабки таассурути қизиқарли: у кўрган нарсани танишлар, хизматдаги ўртоқларига дарҳол айтиб беришга қарор қилмаган, «ўзим милиция бўлсам, тагин кўз олдимда нималардир кўринди, деб юрсам, нима деб уйлашлари мумкин». Қачонки маҳаллий матбуот шаҳар аҳолисига улар кузатган ғайритабиий ҳол тўғрисида хабар беришларини сўраб мувожааб қилганидагина Сергей Матвеев гапириб беришга журъат этди. Айтиш керакки, унинг бошлиқлари ёш офицернинг гапларига жиддий муносабатда бўлдилар. Биз ўз кўзи билан кўрган икки аёл билан ҳам гаплашдик. Шаҳардаги сановат корхоналаридан бирининг комплектовчиси Ольга Полуднева 29 сентябрь кеч соат 7 да икки уйи оралиғида баландда учиб бораётган ёруғ шарни кўрган. Унинг сўзларига қараганда шар ўн минутча учиб борган. Унинг дугонаси Людмила Куприянова шу пайт уйда бўлиб, ташқарида «тарелка уч-

Шубҳаланиш инкор этиш эмас. Бизнинг планетамизда бошқа оламдан келган келгиндилар пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисида гапириб, Станислав Кадменский шундай деди: «Агар бошқа сайёраликлар — ҳақиқатда бўлиб, улар чиндан ҳам Кўёш системасидан ташқаридаги олис дунёларнинг одамлари бўлса, уларнинг учиб келиши ҳодисасининг ўзи физикаларга жуда катта умидбахшлик беради». Агар бундай парвозлар исботланса, уларнинг реаллигини эътироф этиш махсус эҳтиболлар назариясидан чиқарилган ҳулосаларни қайта кўриб чиқишга олиб келади. Бу бизга ҳозирча номаълум бўлган бошқа физика борлигини аниқлатади. Бизга комиссиянинг якуний ҳужжатини беришга ваъда қилишди. Биз воқеалар ривожини кузатиб борамиз. Лев АКСЕНОВ, Борис ЗВЕРОВ, Воронеж—Москва, «Московские новости» ҳафталигининг 43-сонинг.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

Душанба

30 ОКТЯБРЬ

✦ УэТВ

11.30. География. 12.00. Фильм-концерт. 12.30. Физика. 13.00. Ҳаёт билан ҳамқадам. Бадий фильм. 17.20. Уфқ. Киноальманах. 18.00. Янгилликлар. 18.10. Ёзувчилар — болаларга. Н. Ғозилов. 18.50. Илмий-оммабоп программа. 19.30. Ахборот. 19.50. Рангинкамон. 20.30. Ахборот. 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Телефильм. 22.20. Оила.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25. Алёшканинг севгиси. Бадий фильм. 20.50. «Тошкент» студияси кўрсатади. ФРУНЗЕ кўрсатади. 21.30. «Время». 22.05. Бевосита мулоқот. 23.05. Фильм-концерт.

✦ МТ I

7.00. «120 минут». 9.05. Футбол шарҳи. 9.35. Бойчечаклар. 10.40. Шимол халқларининг бутунрости ёшлар фестивали. 11.00. Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.05. Ҳужжатли фильм. 16.25. Концерт. 16.50. Болалар соати. 17.50. Биз ва экономика. 18.35. Мультифильм. 18.45. Литва учрашувлари. 19.20. Футбол шарҳи. 20.10. 1989 йил кўшиқлари. 21.30. «Время». 22.05. А. Миллер. Бу Вишида содир бўлган эди. Премьера. Танаффусда — Дунё воқеалари.

✦ МТ II

9.00. Эрталабки гимнастика. 9.15. 12.20. Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45. Табиатшунослик. 9.55. Италия тили. 10.25. Илмий-оммабоп фильм. 11.05. Сиз яратган бог. 11.35, 12.40. Музыка. 12.05. Бу дунёни ҳаяжонлантормоқда. 13.10. Сунгги қочиш. Бадий фильм. 14.40. Бадминтон. 15.25. Ҳужжатли фильм. 17.30. Янгилликлар. 17.40. Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.40. Акробатика. Жаҳон кубоги. 19.15. Мордва АССР Давлат телерадиоси. 19.30 «Подвоськовье панорамаси» сайёр редакцияси. 20.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Музикали кўрсатув. 21.30 «Время». 22.05 Ваян тоға. Бадий фильм. 23.45 Янгилликлар.

Сешанба

31 ОКТЯБРЬ

✦ УэТВ

17.15 Камалак. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мультифильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.30 Ахборот. 19.50 Илгор тажриба мактаби. 20.10 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Долзарб дамлар кадрлари. 22.25 Нодирабегим. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Кескин танқид остида. 20.05 Қирғоқлар. Бадий фильм. ФРУНЗЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 22.35 Фильмотекамиз фондидан.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 А. Миллер. Бу Вишида содир бўлган эди. Телеспектакль. 11.10 Болалар соати. 12.10 Йил

фасллари. Октябр. 13.10 Бу бўлган... бўлганди... 16.00 Топишмоқ. Ёчиллар. Телеспек. такль. 17.55 Экологик муаммолар. 18.25 Образ. Адабий программа. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультифильм. 19.35 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.05 Куз уйқуси. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 Аргентина тангоси. Бадий фильм. 1-серия. 23.10 Дунё воқеалари. 23.25 Навқирон кино.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45. Теварактроф билан танишиш. 9.55. Француз тили. 10.25 Ҳужжатли фильм. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35. Тарих. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Кулол айланмаси. Бадий фильм. 14.40 Ҳақиқат излаб. Ҳужжатли фильм. 15.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгилликлар. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.10. Концерт. 18.25 Украина ССР Давлат телерадиоси. 19.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — (20.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!)

Чоршанба

1 НОЯБРЬ

✦ УэТВ

11.30 Химия. 12.00 Телефильм. 12.30 Биология. 13.00 Алёшканинг севгиси. 17.00 Кинопрограмма. 17.40 Киносанъатчилар альманахи. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Қўнғирчоқ фильм. 18.25 Сиз учун пойфазал. 19.05 Онам хониш қилган тароналар. 19.30 Ахборот. 19.50 Халқаро ҳаёт. 20.20 Ғузаининг янги навлари. 20.30 Ахборот. 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.00 Бир соат бевосита мулоқот. 23.00 Шарқнинг етти ғузали.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Замон ва маросимлар. 20.00 Ғаройиб бола. Бадий фильм. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 22.55 Қуллар. Бадий фильм. 1-серия.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Образ. 9.55 Мусқавий географик ҳарита. 10.30 Навқирон кино. 12.00 Дунё бўйлаб. Альманах. 16.00 Музикали ҳазина. 16.40 Мультифильмлар. 17.20 Ҳужжатли фильмлар. 17.50 Болалар соати. 18.50 Бекинмачоқ. 19.20 Дунё воқеалари. 19.35 Кинорежиссёр О. Йоселлини фильмлари. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. Европа кубоклари. Танаффусда — Дунё воқеалари. 24.00 Актуал интервью. 00.10 Аргентина тангоси. Бадий фильм. 2-серия.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 ва 12.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Ҳисоблаш алгоритмлари ва расм чизиш. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.20 Фильм-концерт. 14.25 Ҳужжатли фильм. Ҳавасингиз келмасин. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Такрорий телефильмлар сенаси. 18.45 Москва ҳовлиси. 19.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Пайшанба

2 НОЯБРЬ

✦ УэТВ

11.30 Табиатшунослик. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Жамиятшунослик. 13.00 Қирғоқлар. Бадий фильм. 17.00 Кинопрограмма. 17.30 Мультифильмлар тўплами. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Чим устида хоккей. СССР чемпиони. 18.45 Ижара пудрати — ҳўжалик ҳисобининг юқори формаси. 19.30 Ахборот. 19.45 Чехов. Зўраки трагик. Теленовелла. 20.30 Ахборот. 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Долзарб дамлар кадрлари. 22.25 Ёлғиз ўзи ва қуролсиз. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 Зағуликка умид билан. 20.00 Ота меҳрини кўрмаганлар. Бадий фильм. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Сирена. 22.20 Қуллар. Бадий фильм. 2-серия.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол. Европа кубоклари. 11.35 Чашмалар. 12.05 Болалар соати. 16.05 В. А. Моцарт. Концерт. 16.35 Ҳужжатли фильм. 16.55 Фильм-концерт. 17.30 Социология: саволлар ва жавоблар. 18.00 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 Футбол Европа кубоклари. Танаффусда — Дунё воқеалари. 21.30 «Время». 22.05 Эфирда музика. Танаффусда — Дунё воқеалари.

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 ва 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 10.05 Испан тили. 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35. Биология. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Емельян Пугачев. Бадий фильм. 1-серия. 14.10 Ҳужжатли фильм. 14.30 Концерт. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Такрорий телефильмлар сенаси. 18.50 Концерт. 19.30 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Информацион программа. 21.30 «Время». 22.05 Емельян Пугачев. Бадий фильм. 1—2-сериялар. 00.35 Янгилликлар.

Жума

3 НОЯБРЬ

✦ УэТВ

17.00. Болалар учун фильм. 18.00. Янгилликлар. 18.10. Ҳужжатли фильмлар. 18.55. Инсон болаликдан бошланган. 19.30. Ахборот. 19.50. Киноқўрсатув. 20.30. Ахборот. 20.50. Деҳқоннинг менинг. 21.30. «Время». 22.05. Телевизион миниатюралар театри.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25. Болалар учун фильм. 19.55. Тошкентнинг эртанги кўни. 20.40. Реклама. 20.50. Узбекистон. Телевизион киножурнал. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 21.30 «Время». 22.05 Муваффақият тилаймиз, сизга пахтакорлар. 22.45 Қуллар. Бадий фильм, 3-серия.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Характерлари тўғри келмади. Бадий

фильм. 10.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.05 Мультифильм. 11.15 Фильм-концерт. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.25 Эфирда музика. 16.00 Мен билан дўстлашган қизча. Бадий фильм. 17.15 Мультифильм. 17.25 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 17.40 Ҳужжатли фильм. 18.05 Д. Шостакович. Хор ва оркестр учун 2 — «Сктябрь симфонияси». 18.25 Фан: назария, тажриба, практика. 19.10 Юрмала—90. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультифильм. 20.15 Резонанс. 21.30 «Время». 22.05 Актуал интервью. 22.15 Аргентина тангоси. Бадий фильм, 3-серия. 23.00 Дунё воқеалари. 23.15 Нина Берберова. 67 йил ўтган...

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 ва 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Музика. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 Теварактроф билан танишиш. 11.55 Коралларнинг сирли олами. Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Янгилликлар. 12.55 Емельян Пугачев. Бадий фильм, 2-серия. 14.20 Ҳужжатли фильм. 14.35 Амар сайн ансамблининг концерти. 15.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Майор Вихрь. Бадий фильм, 3-серия. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Қозогистон ССР Давлат телерадиоси. 19.55 Сиз яратган бог. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Информацион программа. 21.30 «Время». 22.05 Одай буюм ҳақида ҳикоя. Бадий фильм. 23.25 Телевизион музикали абонемент. 00.30 Янгилликлар.

Шанба

4 НОЯБРЬ

✦ УэТВ

17.00 Болалар учун фильм. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Болалар учун концерт. 18.50 Ахборот. 19.05 Концерт. 19.35 Ахборот. 19.50 Кинолаҳза. 19.55 Москва. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 72 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. 21.15 «Время». 22.00 «Тоҳир ва Зухра». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 10.00 Ахбор. 10.30 Фильм-концерт. 11.00 Гуноҳдан фориғ бўлиш. Бадий фильм. ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ: 17.05 Мультифильм. 17.15 Реклама. 17.30 Ҳужжатли фильм. 17.50 Биринчи майликлар ҳақида ҳикоялар. 18.20 Тасма. Киношарҳ. 19.20 Мезгил.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Студияда И. Фролов. 9.25 Ҳужжатли фильм. 9.55 Мультифильмлар. 10.15 Марков оқшомлари. 10.40 Куз уйқуси. Бадий фильм. 12.05 Уй академияси. 16.05 Болалар учун фильм. 17.10 Илмий-оммабоп фильм. 17.50 Концерт. 18.45 Узоқ Шарқ. Киножурнал. 18.55 Мультифильм. 19.25 Дунё воқеалари. 19.40 Концерт. 19.55 Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 72 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Танаффус пайтида — «Время». 24.00 Ниҳог. 01.30 Бу бўлган... бўлганди...

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Болалар учун фильм. 10.20 Италия тили. 10.50 Кувуноқ стартлар. 11.35 Мультифильмлар. 12.05 Янгилликлар. 12.15

Ҳужжатли фильмлар. 13.05 Ажиналарга қопқон куйманг. Бадий фильм. 14.20 Қишлоқ янгилликлари. 17.20 Янгилликлар. 17.30 Майдон. Спорт-публицистик кўрсатув. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Информацион программа. 20.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.15 Теннис. 21.45 Ҳаётга йўланма. Бадий фильм. 23.35 Янгилликлар.

Якшанба

5 НОЯБРЬ

✦ УэТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Оила даврасида. 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 Бизнинг томоркамиз. 11.35 Спорт программаси. 12.35 Мактаб ўқувчилари учун. 13.05 Объективда қайта қуриш. 13.30 Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи». Видеоспектакль. 15.00 Кўшиқ бизга ҳамisha ҳамроҳ. 15.50 Қайта қуриш йўллари. 16.20 Реклама. 18.00 Рассом устахонасида очкичасига суҳбат. 18.45 Мультипанорама. 19.30 Ахборот. 19.50 Юртининг бир бўлаги. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Пахтакорлар учун кечки музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 9.00 Сапеда. Информацион музикали программа. 10.05 Реклама. 10.15 Яхши дегани нима? 10.50 «Тожикифильм»нинг 60 йиллигига. Бадий фильм, 1-серия. 17.50 Мультифильмлар. 18.10 Саломатлик. 19.00 Новости. 19.15 Бозор. Қўнғирчоқ телерадиоси музикали комедия театрининг ёш актёрлари иштирок этадилар. 20.00 Шу ҳафтанинг воқеалари. 20.15 Телетошоибани ҳамроҳи. 20.40 Армуғон. 21.30 «Время». 22.05 «Тожикифильм»нинг 60 йиллигига. Бадий фильм, 1-серия.

✦ МТ I

8.50 Ритмик гимнастика. 9.20 Спортлото тиражи. 9.30 Эрта сахарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.55 Мультифильм. 13.15 Рассом устахонасида. 13.30 Киноафиша. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Мультифильм. 16.00 Муз устида театр. 17.00 Егоров — бу Егоров. Тўрт йил ўтган. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Сени севман ҳаёт. 19.20 Яхши оила тарбия кўрган ёш йигит. Бадий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Врач психотерапевт А. М. Кашипровскийнинг саломатлик севанслари. 3-кўрсатув. 23.20 Сочи—89.

✦ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Ҳаётга йўланма. Бадий фильм. 10.35 Концерт. 10.50 Ҳурматли ажна. Мультифильм. Бир от учун ярим давлат. 11.45 «Бегона уйинлар». Бадий фильм. 13.05 Акс садо: ҳафтанинг воқеалари. 13.20 Биз ҳаммамиз мактабга борамиз. Бадий фильм, 12 ва 13-сериялар. 15.20 Голландия ва голландияликлар. 16.50 Агар сиз... 17.35 СССР ИИМ хабар қилади. 17.45 Реклама. 17.50 КВН. 19.35 Юрмала — 90 конкурси. 19.45 Теннис. Халқаро турнир. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Пил» белгиси билан. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Пил» белгиси билан. 2-қисм. 24.00 Янгилликлар. 00.10 «Пил» белгиси билан. 3-қисм. 00.45 Теннис. Халқаро турнир.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА



Булат Сулаймонов — сибирлик татар шоири. У «Тонлар фаввораси», «Оқ мейвор» каби шеърини китоблар муаллифи.

Булат СУЛАЙМОНОВ МАНСИ ҚУШИҒИ

Йўллар ҳам меники,
Қирлар ҳам меники,
Қирларга тўшалган
Қорлар ҳам меники,
Э-хе-й-й!
Чидам ҳам меники,
Чана ҳам меники,
Чанада учган
Жоноҳ ҳам меники,
Э-хе-й-й!
Бу туш ҳам меники,
Бу қиш ҳам меники,
Қўлда эланган

Қуёш ҳам меники,
Э-хе-й-й!
Тайга ҳам меники,
Тундра ҳам меники,
Қушлар, жониворлар —
Ҳаммаси ҳам меники,
Э-хе-й-й!
Ҳаммаси ҳам меники,
Бу борлиқ, бу олам,
Э-хе-й-й!

Тйлак ЖҲРА таржимаси.

Андрей ТАРХАНОВ — Югория (Гарбий Сибирнинг қадимий номи) элининг танилган шоири. У гарчи рус тилида яқод қилса ҳам ўз юртини, элини севиб қуйлайди. Қувончидан қувонади, қайғусидан қайғуради. Кўплаб шеърини китоблари Москва, Тюмень, Свердловск нашриётларида чоп этилган.

• ВИЛОЯТИМИЗДА ТЮМЕНЬ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Андрей ТАРХАНОВ.

ОҚШОМГА МАФТУН

Оқшомга мафтун эл мансилар,
Юлдузлар буржидга ҳаёли,
Оқшомга мафтун эл мансилар,

Рухда ўрмонлар шамоли,
Оқшомга мафтун эл мансилар,

Афсона сўзлайдир, эртақлар...

Япроққа мафтун эл мансилар,

Ўз қасри — ўрмонга етаклар,

Мансилар туш кўрар; ям-яшил —

Томчилар томадир осмондан.

...Бостириб келадур муттасил —


Темирлар қўшини ҳар ёндан.

Ўзинг учун йиғламоқ керак,
Гарчи буни яхши биламан,—
Аммо кураш олдидан бешак —
Бу ҳуқуқдан махрум қиламан.

Ҳар томчи ёш тошга айлансин,
Ҳалқуминга турсин қадалиб,
Кураш ортада қолганидан сўнг —
Майли, оқсин у малҳам бўлиб,
Емгирдан сўнг ёришган само
Сингари дил топадир таскин.

Евузликка дуч келсак гоҳо—
Еш аралаш уйғонади кини,
Айби йўқдир ёш тўксанг агар,
Кундага ўз бошини қўйган кун,
Даҳшат эрур аммо табиат—
Қилиб қўйса йиғидан махрум.

Ёдгор ОБИД таржималари.



ГАРБИЙ Сибирлик меҳмонлар Чирчиқдаги Ўзбекистон йиллик кўрсаткичлари бўлиши, бу ерда меҳнат қилган қўшнилар билан танишдилар. Суратда: меҳмонлар қўшнилар билан танишдилар. Суратчи М. НАЗАРОВ.

Езувчи ва журналист Зокир Қуртнезиров кейинги йилларда ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлардан ҳикоя қилувчи асарлар яратиш устида иш олиб борапти. Унинг «Эгри-бугри сўзқоғларда» қиссаси «Йилдиз» («Юлдуз») журналдада (1988 йил 6-сон) ва 1989 йил 1-сон) қрим татар тилида эълон қилинди.

Қўйда эътиборингизга ана шу қиссадан парча ҳавола этаман.

ПҮЛАТ Акрамович Маликаxonни кузатган, «Коммунизм» колхозига боришга қарор қилди. Столнинг ўнг томондаги электр тугмачани босган эди, қўлида қалам-дафтар билан қабулхона котибаси кирди.

— Эшитаман, Пўлат Акрамович, — деди у назокат билан. Шокиров қизнинг исми-шарифини ҳали ҳеч кимдан сўрамагани учун ўзини биров ўнғайсиз сездим. Икковлари бир-бирларига бир зум тикилиб туришгач, Шокиров:

— Кечирасиз, на исмингизни, на шарифингизни биламан... — деди, — Келинг, танишиб олайлик. Меникини биласиз. Сиз?

— Ниёр... — деди котиба. — Ниёр Аметова... «Ниёр. Чиройли исм экан, деб ўйлади Шокиров. Фамилиясига қараганда: ё қозоқ, ё қорақалпоқ. Қримлик ҳам бўлиши эҳтимол. Сўнгра рўпарасида Ниёрнинг турганини эслаб:

— Исмингиз ажойиб экан, — деди у ниҳоят. — Мен Исмат Қурбоновичнинг колхозига бормоқчиман. Агар мени биров киши сўрагудай бўлса қақдалимни айтурсиз... Кечкурун соат тўрт-бешларга келаман.

— Хўп бўлади, Пўлат Акрамович, — деб Ниёр хонадан чиқди. Лекин орадан икки-уч соғия ўтмай, яна Шокировнинг ҳузурига кирди. — Сизни Вали Каримович сўраётилар, — деди у. — Кўк телефонда... — Эшитаман, Вали Каримович!

— Ассалому алайкум, Пўлат Акрамович!—телефон дастагини қўйибдан район иқроия комитетининг раиси Адаматовнинг ҳаёжонли овози эшитилди. — Сизга биринчи иш кунингиздан ноҳуш хабар айтишга тилим ҳам бормапти... Лекин... Шу тобда Ойдинқўлдан қўнғироқ қилишди. Бир колхозчи раисга ўқ узибди... Шокиров қулоқларига ишонмади... «Раисга ўқ узибди. Э, бу қандай бедодлик! Нега, нима сабабдан раисни отар экан...» — Нималар деярсиз ўзи? Ҳеч нарсага тушуномлапман, — деди Шокиров.

— Мен ҳозир олдингизга бораман. — Адаматов шундай дея телефон дастагини жойига қўйди. Шокиров эса бу ноҳуш хабардан фалати ҳолатга тушди.

Ижроком билан райком орасида таҳминан уч юз-тўрт юз қоғаз бўлганини учун Адаматов бир зумда етиб келди. Икки зинага бир қадам ташлаб иккинчи қаavatга кўтарилди. Ниёр ўрнидан туриб, унга салом берганини ҳам пайқамай «биринчининг хонасига кирди. Шокиров телефон дастагини ҳамон қўлида ушлаганча, тушу-



(ҚИССАДАН ПАРЧА)

ниш қийин бўлган бир вазиятда тик турарди. Вали Каримович ичкарига киргач, ўзини биров қўлга олган ҳолда аста-секин одимлаб котибнинг олдига келди. Қўл бериб саломлашди. Шундан кейин Шокиров телефон дастагини жойига қўйди.

— Бу қандай бешошлик, Вали Каримович? — деб сўради Шокиров ҳаяжонли ҳолда. — Ҳозирок адлия ходимларини хабардор қилиш керак. Уларимиз тезроқ колхозга етиб бораёйлик.

— Прокорур, ички ишлар бўлими бошлиғи, район марказий шифохонасининг бош врачси, яна бошқалар ҳозир ўша ерда. Отган одам ҳеч қаерга қоча олмабди. Уни ушлашибди... — Кетдик!

Улар зинапоядан пастга тушаётганида қабулхонадаги телефон узлуксиз жиринглади. Ниёр трубкани олди. Ойдинқўлдан. Воқеани тушунтириб, «биринчининг худлик билан етиб келишини илтимос қилишди. — Пўлат Акрамович билан Вали Каримович ҳозиргина

ўша ёққа жўнаб кетишди, — деди Ниёр... * * *

Шокиров билан Адаматов «Волга»дан тушишганда фожиа юз берган жойда юзга яқин одам тўпланганди. Бир четда милициянинг панжарали машинаси турибди. Врачлар яраланган Сафар Шариповни «тез ёрдам» машинасига ётқизиб қўйишди. Уни дарҳол шифхонага олиб бориб операция қилишди. Ҳамшира қиз рақсининг оғзига кислород ёстигининг жўмрагини тутмоқда. Ҳаммаёқ қизқизил қон. Сафар Турдиевич баъур инграйдди, кўзлари юмилган. Сома ўқнинг бири чеккасини тилиб, ўнг қулоғини учини учириб кетибди. Милиция бошлиғи ва икки милиционер одамларни машинага яқинлаштиришди мақсадида тўпланганларга бир нималарини тушунтиришмоқда.

ги оппоқ беш-олти яшар ўғлини бағрига босганча дириллаб қалтирарди.

Биринчи котиб уйнинг барча хоналарини кўздан кечирди. Очқ дераза ёнига келиб, ташдарига назар ташлади. «Уй-жойи, ҳовли-молига қараганда оддий оилга ўхшайди. Унинг бундай ваҳшийлик қилишига нима сабаб бўлди экан!» У аста юриб, қўрқувдан қалтираётган аёл рўпарасига келиб тўхтади.

— Фарзандларингиз нечта, келин?

Аёл жавоб бериш ўрнига айюҳаннос солиб йиғлай бошлади:

— Э, худойим, сенга нима қилувдимки, бошимга бу балоларни солдинг?! Охир-оқибатда қиларинг шу эдим!.. Йўқотинг ўша лънати милтиқини уйдан, деб неча бор худонинг зорини қилувдим... Вой, болагинам, энди нима қиламиз?!

худди ана шу жойга қатор қилиб терак ўтқазибди. Борди-ю, улар кесилмаса йўл бош планда кўрсатилгандай равион чиқмайди. Уй эгаси билан бу ҳақда обдан гаплашилгандан кейин у даракларни кесибга кўндирилган. Лекин уни нима жин урибди-ю, тўнини тескари кийиб олибди. Бульдозернинг йўлини тўсиб, ишлагани қўймабди. Тракторчи нима ҳам қилсин? У колхоз раҳбарларига бориб, бўлган воқеани айтибди. Еттичи бригада далаларда юрган раис дарҳол бу ерга етиб келиб, бульдозерчага иш бошлашни буюрибди. Бульдозер овозини эшитган уй эгаси:

— У, раис, қўй дейман шу ишингни, — дебди кўзларини бежо олайтириб Сафар Шариповга, — Қўй дейман сенга! Бу ишингни охири яхши бўлмайди... — Ахир иккаламиз бу ҳақда гаплашиб, келишиб олувдик-куй! — дея тавжубланибди раис. — Колхоз теракларингиз учун сизга пул тўлайди.

— Менга сизларнинг хайр-эҳсонингиз даркор эмас. Теракларни ўзим ўтқазганман. Уларни йўқ қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Раис кулимсираган ҳолда бульдозерчи томонга ўтирилиб: «Бошла!» деган маънода бошини қиқирлатибди. Шу аснода уй эгаси сўкинганича бурилиб, уйига кириб кетибди.

— Нима, сен раис бўлсанг, худо бўлиб кетсанми? Мен ҳозир кўрсатиб қўяман сенга, — деб деразда осмилик ов милтиқини қўлга олибди. Бунга кўрган хотини ялиниб, эрига осилиб, ялина бошлабди: — Салим ака, нима қилмоқчисиз?! Ҳой, эсингиз жойидамиз, ўзи? — дебди.

— Наргиз тур! Менинг ишимга аралашма! — дея хотинини четга сийлаб, ҳовлига чиқибди. Раис уйга тескари ўтириганича бульдозернинг ишлаганини кузатётганида талвасга тушган аёл дераздан раисга бақирди:

— Қочинг, Сафар ака!... Аммо бульдозернинг шовқинидан раис аёлининг товушини эшитмабди. Шу пайт Салим милтиқни Сафар Шариповга қадаб, уни нишонга олибди. Аёл бор овози билан яна бақирибди. Қандайдир товуш раиснинг қулоғига чалиниб, овоз келган томонга қарайин деганда Салим тепкини босиб юборибди... —

Зокир ҚУРТНЕЗИРОВ.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.